

# Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 йил 25 АВГУСТ, СЕШАНБА, 100 (7561) - сон

1974 йил 1 январдан чиқа бoshлаган  
Баҳоли келишилган нархда.



Яқин кунларда "Ширмонбулоқ тош кони"да ишлаб чиқариладиган ўнлаб хилдаги маҳсулотлар маҳаллий харидорлар эътиборига ҳавола этилиши мўлжалланаётган. Ҳисоб-китоблар бўйича хориждан ёхуд республикамизнинг олис ҳудудларидан олиб келинаётган тош маҳсулотлари мунтазам харидорга эга бўлади.



ИТБга қарашли "Чашмаи мироб" СФУсида ҳам сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ишлари намунали ташкил этилган. 67 та фермер билан шартнома асосида иш олиб бориляпти.



Истиқлол йилларида юртимизда аҳоли соғлиғи сифат кўрсаткичларида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларга эришилди. Аҳолининг ўртача умр кўришининг узайиши бўйича ҳам, болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳондаги ривожланган мамлакатларга тенглашди.



Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН – ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР

## ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2009 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:  
— Ашраф АҲМЕДОВга — "X-XV асрлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган ўрта Осиёлик олимлар илмий меросининг ўрганилиши" (Бағдод, Хоразм Маъмур академиялари, Самарқанд илмий мактаблари мисолида) монографиялар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:  
— Тўрабек Нугманович ДОЛИМОВ,

Виталий Иванович ТРОИЦКИЙга "Эволюцион геология" монографияси учун;  
адабиёт соҳасида:  
— Омон Сулаймонович МУХТОРОВ (Омон Мухтор)га — "Навоий ва расом Абулхайр" диалогияси учун;  
санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:  
АБДИЕВ Олим Жабборович, РАШИДОВ Ориф Олимович, РАҲМОНОВ Абдусофиҳон Рафиқовичга — Истиқлол даврида Бухоро вилоятининг меъморчилигида аъёнлар ва бадиий меросни асраш амалиёти бўйича ишлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 24 август

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида байрам шукӯҳи ҳукм сурмоқда. Энг улуғ ва энг аъло байрамимизни кўтаринки рӯҳда ўтказиш мақсадида жойларда маданий-маърифий тадбирлар, байрам кечалари ташкил этилмоқда.

### ЮРТ УЗРА КЕЗАР БАЙРАМ ШУКУҲИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ Қороўлбозор туманидаги мусиқа мактабида ўқувчи ёшлар иштирокида "Мустиқил юрт фарзандлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бухоро тумани Куноки Қалъа қишлоғидаги маданият уйида "Мустиқил юртимизни куйлайми?" номли концерт дастури намойиш этилди. Бобект тумани маданият уйида жамоаси "Кулги чойнаси" номли байрам дастурини Халач ва Харғиш қишлоқ аҳолисига намойиш этди. Жондор тумани "Дилдор" ашула ва ракс ансамбли Хумин қишлоғида "Йўнган юрт шамоли" деб номланган концерт дастурини намойиш этдилар.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИнинг Урганч шаҳар Навбахор маҳалласида "Қўшиқчида Ватан мадҳи", Гулзор маҳалласида "Хур дўйрим", Машъал маҳалласида "Бахтли замонам", Истиқлол маҳалласида "Гул шаҳрим Урганчим" мавзусида маданий дам олиш тадбирлари ўтказилди. Тадбирларда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Урганч маданият ва санъат коллежи ўқувчилари ҳамда туман бадиий жамоалари, яқин кўришчиларнинг концерт дастурлари намойиш этилди.

Богот тумани амфитеатрида тумандаги бадиий жамоалар, танқули ёш хонандалар иштирокида "Ватанам, янрайман гул боларингда" деб номланган концерт дастури намойиш қилинди. Гурлан тумани маданият уйида "Мустиқиллик — менинг тақдиримда" мавзусида ёшлар билан ўрашув ва концерт бўлиб ўтди.

Хонқа тумани маданий маданият уйида "Мустиқиллик — улуг неъмат" деб номланган тадбир ўтказилиб, унда Сарапайв қишлоғи Истиқлол маҳалласи фаоллари, фуқаролар йиғини раислари қатнашдилар. Мухтасархон КАРИМОВА

## Меҳр улашмоқ ҳам савоб

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Даволаш-соғломлаштириш маркази қошида болаларнинг ёнги дам олиш оромгоҳи ташкил этилган. Оромгоҳда уч сменада Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи"дан, хизмат вазифини бажариш вақтида вафот этган ходимларнинг ва кам таъминланган оилаларнинг жами 120 нафар болалари дам олдилар.

— Оромгоҳда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, подполковник Фарҳод Санкибаев. — Болалар фақат дам олиб қолмасдан, тиббий кўриқдан ҳам ўтказилди. Турли спорт мусобақалари ташкил этилиб, Нукус шаҳрининг диққатга сазовор жойларига, музейларга, саёҳатлар уюштирилди.

— Оромгоҳ энг файзли ва хушманзара ҳудудда жойлашган, — дейди Меҳрибонлик уйи"нинг директори Светлана Сон. — Болалар оромгоҳда ўзларини уйларидагидек ҳис этди. Айниқса, Нукус шаҳридаги "Ақвопарк" ва музейларга уюштирилган саёҳатлар қизиқарли ўтди. Бундай ғамхўрлиги учун вазирлик ходимларига миннатдорчилик билдираман. Оромгоҳнинг ёпилиш маъноси катта байрам тантаналарига улашиб кетди. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири Оринбай Турдақов болаларнинг Мустиқиллигимизнинг 18 йиллик байрами билан қутлади. Мусобақаларнинг ғолиблари тақдирланди. Ички ишлар вазирлиги ходимлари ва "Меҳрибонлик уйи" қошида ташкил этилган хаваскорлар куй ва кўшиқлар билан дилларни хушнуд этди. Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## МУСИҚА ВА САЊАТ МАКТАБИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Ўқувчиларнинг маънавияти, бадиий дидини юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналари билан таништириш, мусиқа таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Дастур асосида болалар мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мирзо Улуғбек туманида барпо этилган 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ана шундай таълим масканларидан биридир. Икки юз ўттиздан ортиқ бола таълим оладиган ушбу мактабда ўқув-машғулот кабинетлари учун мослаб қурилган бўлиб, уларда яқна ва жамоа машғулотлари учун барча шарт ва имкониятлар яратилган. Аъёнларнинг ижрочилиги, эстрада хонандалиги, ўзбек халқ чолғула-

ри, фортепьяно, зарбли ва дамли чолғулар, оркестр, хор ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат синфлари кенг ва шинамлиги билан ажралаб туради.

Янги ўқув йилидан бошлаб ёғоч уймақорлиги, бадиий кастаҳилик, ганчкорлик, мисгарлик каби янги йўналишлар жорий этилди. Мактабининг моддий-техник базаси мустаҳ-

камланиб, мусиқа асбоблари, концертлар учун замонавий техник жиҳоз ва ускуналар, ўқув-ўқувчи воситалар, қўлланмалар билан таъминланди. Ахборот ресурслар маркази, маънавият ва маърифат хонаси, мухташам зал болаларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтириш баробарида турли мусиқий тадбирларни ташкил этишга хизмат қилади.

— Ўғлим шу мактабининг тўртинчи синфида рубоб ва фортепьяно йўналишида таълим олади, — дейди «Бўзмаҳалласида яшовчи Норбиби Аслонова. — Мактабининг янги биноси фарзандларимиз учун муносиб совға бўлди. Бу Президентимиз Ислам Каримовнинг ёш авлод тарбияси йўлида кўрсатилган ғамхўрлиги натижасидир. Мактабда яратилган шартнони қўриб, ҳавасим келди. Илгари бундай мактабларни биз орзу ҳам қила олмас эдик. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

**Qishloq hayoti**  
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

## ОБУНА - 2010



**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**  
"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

**БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:**  
"Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" биргалликда — 144  
"Ҳаёт" — 145

Халқаро илмий анжуман

Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳматси Қузурдиқов Фан ва технологиялар ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри қўмитаси, Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти "Ўздаверлоиҳа" ҳамкорликда "Бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштиришда ер тузишини такомиллаштириш муаммолари" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказди.

Она заминдан оқилна фойдаланишга бағишланди

Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон давлатларининг соҳа мутахассислари, назарийчи ҳамда амалиётчи олимлари иштирок этган анжуманда она заминдан оқилна фойдаланиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш, баҳолаш, экологик жараёнин назарда тутиш, ер тузиш ҳудудий ва ички ҳужалик режалари каби мавзулар муҳокама этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришида етакчи қўлга айланган ҳозирги шароитда улари қўллаб-қувватлашнинг асосий жиҳатларидан бири ердан оқилна фойдаланишга эътибор қаратишдир. Экологик вазиятлар чуқурлашган бир пайтда, яъни ер деградацияси кучайган, шўрланган ортаёқтин бир даврда ҳар қарич ердан оқилна фойдаланиш долзарб масалалардан биридир. Аҳолининг қўлайлиги бориши, эҳтиёж ва талабнинг ортиб бориши қишлоқ ҳужалиги учун ер майдонларини кенгайтириши тақозо этади.

Демакки, олдимизда турган вазифалардан бири – фойдаланилмай ётган ерларни қишлоқ ҳужалик оборотида қайтаришдир. Бу борада эса тажрибалар алмаштириш, уларнинг мақбул услубларини қўллаш зарурати юзага чиқади. - Юртимизда ерни таҳлил этиш ва тупроқнинг таркибий жараёнлари ҳусусида илмий-амалий тажриба тўпланган, - дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти, академик Саидхор Фулмон. - Мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ернинг шўрланиш жараёни ортиб бормоқда. Бу эса мавжуд аҳолини яхшилаш, ердан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифасини кучайтиради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ер тузиш, қишлоқ ҳужалигида ерлардан илмий асосланган тарзда лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда. Ер тузиш, ўлчамда замонавий ускуна ва технологиялардан фойдаланилганди. Соҳага ижобий самара берувчи технологиялар жалб қилинмоқда. Мониторинг юритиш механизми сифат жиҳатдан яхшиланаётган.

- Анжуман мавзуси ниҳоятда муҳимдир, - дейди Россия кадастр ва картография бўйича олиш давлат федерал хизмати бошқармаси раҳбари Юрий Левенков. - Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг тажрибаларини ўрганиш биз учун фойдалидир. Чунки улар томонидан ишлаб чиқилган ер майдонларини тўғри тасаруф этиш лойиҳалари ва амалий тажрибаларини биз ҳам фойдаланишга қўлайлигимиз мумкин.

Иштирокчилар ердан фойдаланиш ва ер тузиш тизимида, соҳага инвестициялар киритиш, замонавий, тараққий этган технологияларни жорий этиш каби масалаларда атрофлича фикр юритдилар.

Анвар КУЛМУРЗОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

«ШИРМОНБУЛОҚ ТОШ КОН»НИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

ҳадемай бу ерда Италия технологияси асосида ўнлаб турдаги қурилиш ашёлари тайёрлаш йўлга қўйилади



равишда хомашё билан таъминлаш имконияти юзага келди. Республикаимиз мустақиллигининг ўтган даври мобайнида қурилиш мах-

«Ширмонбулоқ тош кони» унитар корхонаси раҳбари Абдурахмон Исоков айтиш мисолида иқтисодий-техник лойиҳани тайёрлаш ва илмий-техник лойиҳани тайёрлаш вилоят ҳокимлигида тақдим этди. Сунгра республика Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги ҳайъати ҳужумга ҳавола қилинди. Нархи 91 миң евро бўлган Италия технологиясидаги асбоб-ускуналар хариди учун "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси кредит ажратяпти. Яқинда экспертлар гуруҳи Италия технологиясининг иқтисодий имкониятларини яна бир бор қўриб чиқиш, яқиний ҳулосага келишиди. Яқин кунларда "Ширмонбулоқ тош кони"да ишлаб чиқариладиган ўнлаб хилдаги маҳсулотлар махаллий харидорлар эътиборига ҳавола этилиши мўлжалланаётган. Ҳисоб-китоблар бўйича корхондан ҳудуд республикаимизнинг оқил ҳудудларидан олиб келинаётган тош маҳсулотлари мунтазам харидорга эга бўлади. Бундай дейишимизга асос шунки, харидор хоҳишига қўра тоғ жинслари хилма-хил шаклга келтирилади. Бугун юртимизнинг қай бир томонидаги борманг, уни улкан қурилиш майдонига қийс этасиз. Бундай бунёдкорлик эса, ранг-баранг тош маҳсулотларини талаб этади.

Қобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Андижон вилояти

Осмонларга туташ Помир-Олой тоғ тизмалари Андижон вилоятининг Ҳўжаобод ва Булоқбоши туманлари этақларида бошланади. Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғи ва унга туташ шу номдаги тоғ манзаралари қўллаб инсонларни ўзига ром этган. Ажойиб инсон Назиржон Сулаймонов бир умр тош қояларига оз-оздан тупроқ олиб чиқиб, кўпчиликнинг эътиборига тушган бог-роғлар яратганлиги жуда кўплаб ширмонбулоқликларни табиатга бўлган ошнолигини оширган.

Айни ёз кунларида Жанубий Фарғона канали ёқалаб юрсангиз, кетмон урсангиз ўт чакнайдиган тоғ ён бағирлари бог-роғларга бурканганини кўрасиз. Харорат кўтарилган шу кунларда Ширмонбулоқ, Имомота, Чилустун тоғлари ён бағирларидаги хушхаво манзиллар минг-минглаб дам олувчилар билан тўла.

Тоғлардан бошланувчи ва водийга обихайёт бахш этувчи ўнлаб сойларнинг ўзларини баҳорда атроф қишлоқларга хавф соларди. Бундай пайт сув ҳўжалиги идораларининг ишчилари, техника воситалари тизгинсиз сойларнинг қирғоқларига жалб этиларди. Қолаверса, жиловсиз сойлар атрофидаги жуда кўплаб унумдор ерлар инсон манфаатига хизмат қилмасди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Аравонсой қирғоқларини дамббашада тупроқ-шағал ўрнига Ширмонбулоқ тоғи тошларидан фойдаланиш гоиси ўртага чиқди. Ҳўжаободлик ирригатор Сотволди Қосимовнинг бу борадаги тақлифи сув ҳўжалиги мухтаассислари ўртасида атрофлича муҳокама қилинди. Шу соҳада анча тажрибага эга бўлган Балашов шогирдининг тақлифини аниқ далиллар билан исботлаб, вазирликдан Ширмонбулоқ қишлоғининг жануб томонидан тоғ тошларини қазиб олишни йўлга қўйиш бўйича рухсат олишга эришди.

Аравонсой ўз сувини Булоқбоши

туманидаги Қулла қишлоғи яқиндан ўтувчи Шаҳрихонсойга қуяди. Техника воситалари асосида тоғдаги тош конини ўзлаштириш бошланди. Кези келганда энга бир километргача бўлган масофада қазилган 2 йилда тўла-тўқис жиловланди. Атрофдаги қишлоқ ва экинзорларни сув босиш хавфига барҳам берилди. Бир қарич ер қўза суртишга арзийдиган ҳудудда 250 гектар унумдор ер экин оборотида киритилди.

Аравонсойда сувни жиловланган янги ерлар қўйиш тажрибаси биринкетин Мойлисой, Тентаксой, Чиртаксой, сунгра эса Қорадар қирғоқларида ҳам амалга оширилдики, натижада юзлаб қишлоқлар аҳолиси сув

тошқинларидан тўла ҳимояга олинди. Ишчи кучи бисёр ҳудудларда минг-минглаб ерлар деҳқончилик учун ишга солинди.

"Ширмонбулоқ тош кони"да 32 йил меҳнат қилган Ҳакимжон Адхамовнинг эътирофи этишча, ўша даврларда йилга 100 миң кубометргача тоғ жинслари портлатиш йўли орқали майдаланиб, сув ҳўжалиги идоралари орқали зарур жойларга етказиб берилган. Шу билан бирга тошларнинг майда бўлақларидан қурилиш ва обodonлаштириш ишларига ишлатишга ўзлаштирила бошланди. Илоҳията оҳақ пишириш санатини мунтазам

сулотларига бўлган талаб тобора ошиб бораётган. Бу бозорга мос маҳсулот етказиб бериш эса талабга жавоб беролмай қолди. Сув ҳўжалиги ва оҳақ пишириш учун тоғ жинслари қазиб олиш ҳамда етказиб бериш билан шуғулланиб келган "Ширмонбулоқ тош кони" корхонаси фаолияти иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслик ҳолатлари юзага чиқа бошладик.

Ишлатила бошланганга қарий 40 йил бўлган экскаваторларни бошқараётган Шароф Исоков, Зокиржон Эргашев, Хомиджон Қўлдршев, Табриз Эҳубов каби маънафактларнинг ўта зах-

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Ғўза баргини сунъий тўктириш

Маълумки, ушбу йил табиат ниқиндиклари сабаб бўлиб айрим майдонларда ғўза рисовчи 5-10 кунгача кеч бормоқда. Эндики вазифа ҳосилга ҳосил қўша бориш билан бирга ғўза дефолиациясини ҳар бир даланинг ҳолатига қараб, қисқа муддатларда ўтказиб, теримга қўлай шароит яратишдан иборат.

Барглар пахта даласининг шамоллаб туришига ҳалақит беради, ерга яқин турган шохлар атрофидаги ҳаво намлигининг ортиб кетишига сабаб бўлади. Натижада қўсақлар димқиб, очилиши кечикади, ҳатто, айрим қўсақлар пахтага қарайиб қолади. Шу боис ғўза барглари тўктирилиши керак.

Дефолиантлар тўлиқ таъсир кўрсатиши учун ушбу тадбир ғўзанинг биологик жиҳатдан барг тўқишига мойил ҳолатида белгиланмоғи керак. Бунда асосий эътибор қўсақларнинг очилиш даражасига қаратилади. Қузатишларга қараганда, тупроқ намлиги даланнинг тўлиқ нам сигимига нисбатан 60-65 фоиз бўлганда барглар тез тўқилади. Тупроқ намлигининг пайсийиши ёки оқиб кетиши ҳам баргининг тўқилишига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ жуда қуриб қолганда дефолиантларнинг самарадорлиги паясийди. Тупроқ намлиги меърийдан паст бўлса, дефолиациядан 10-12 кун олдин далани енгил сугориш керак.

Ғўза навлари кимёвий моддалардан ҳар хил таъсирланади. Аксари, таъсирлар навлар ўрта ва кўпчилик навларга нисбатан кўпроқ таъсирлан бўлади. Демак, ғўза самарали дефолиация этишда турли навларнинг ўзига ҳозир ҳусусиятларини ҳисобга олиш даркор.

Ғўзани баргизилантиришга қўлай таъсир кўрсатадиган дефолиант бу Авгурон-экстрадир. Ушбу дефолиант ҳар бир гектар ғўза майдонига 0,1-0,2 литрдан қўллаш тавсия этилади. Ҳаво хароратининг ғўза дефолиациясига таъсири катта. Чунки ҳар бир дефолиант кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда ғўзага таъсир этади. Авгурон-экстра дефолиант ўртача бир кеча-кундулик харорат 20 градус бўлса яхши таъсир этади. Ҳаво харорати ўртача 18 даражадан пастайганда бу дефолиант таъсир кучини йўқотади. Шунинг учун ҳаво хароратига қараб дефолиация муддатини белгиланган мақсадга мувофиқ.

Хлорат магний. Белгиланган қондаларга тўла риоа этилганда бу препарат кўчи таъсир қилиб, яхши самара беради. Хлорат магнийнинг таркиби 58-60 фоиз таъсир этувчи модда ва 6 молекуляр сувдан иборат. Шунинг учун ҳам сувда, ҳаво харорати юқори бўлганда яхши эрийди. Хлорат магний сувда эритилиб, ғўзаларга пуркалади. Ҳар гектар майдон ҳисобига 8-12 килограмм препарат сарфлаш лозим.

Республикаимизда экиладиган тезлишлар навлар ("АН-Бойвут-2", "Наманган-77", "Бухоро-102", "Андижон-35", "С-4727", "Омад", "Окдар-5", "Наманган-34") учун ҳар гектар ғўза майдонига 8 килограммдан, ўртагишар навлар ("С-6524", "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Меҳнат", "Хоразм-150", "Хоразм-127") учун ҳар гектар майдонга 10 килограммдан препарат сарфланса бўлади. Ўртача бир кеча-кундулик харорат 17 градусдан паст бўлганда дефолиантнинг таъсири суаяди.

Бу препаратлар билан бир қаторда Дроп-ультра дефолианти билан дефолиация қилинса, ўсимлик қайта ўсашга чек қўйилади. Дроп-ультранинг яна бир ҳусусияти шунки, уни бошқа препаратлардан 10-12 кун олдин, яъни ҳар тўп ғўзада 4-5 қўсақ очилганда қўллаш мумкин. Чунки Дроп-ультра ишлатилганда барглар қуриб қолмасдан, яшил ҳолда тўқилади. Бунинг ҳисобига пахта толеси инфлопланмаиди ва терим даврида ҳосил сифатли бўлади. Хом қўсақлар эса табиий ҳолда етлаверади, сифатли тола беради. Дроп-ультра 0,3-0,5 кг/га меърида қўлланилади. Бу препаратнинг яна бир афзал томони шундаки, ўсимликнинг қайта ўсиб кетишига йўл қўймаслиги ҳисобига хашаротларни озука манбадан маҳрум қилади. Шира оқкандот, қўсақ қурти каби хашаротлар сонининг нафақат ушбу мавсумда, балки келгуси йили ҳам озайишига сабаб бўлади.

Илмий изланишлар кўрсатишича, Дроп-ультра билан Деф-6 препарати қўшилганда (0,3 кг/га+0,3 л/га) дефолиация самараси ушбу дефолиантлар алоҳида ишлатилган ҳолатдагига нисбатан яқин бўлганлиги исботланган.

Ўрта товали ғўза навларининг ҳар тўпида ўртача 50-55 фоиз қўсақлар очилганда дефолиация ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қўза юқори ярусидagi иккинчи қўсаги кесилганда чигити ҳайран бўлса, дефолиацияни бошлаш мумкин.

Ғўза дефолиацияси юқоридаги таъсиллар асосида сифатли ва тез ўтказилган, 12-15 кун ўтгандан сўнг теримга кириши мумкин. Шунда қўсақларнинг 85-90 фоизи очилишига эришилсе, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларда бўлиши таъминланади.

Ренат НАЗАРОВ, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими.

ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ПАЙВАСТА

Истиқлолимизнинг 18 йиллигини навоийлик юртдошларимиз ҳам кўтаринки қайфият билан кутиб олмақда. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида республика Маънавият-тарбия маркази йўлнамаси билан пойтахтдан ташриф буюрган атоқли олимлар, шоиру ёзувчилар, танқили санъаткорлардан иборат гуруҳ вилоят меҳнаткашлари билан учрашмоқда.

Тинч ва осуда ҳаёт нашидасини сано-атчилар, галлакорлар, чорвалдорлар эришган тўқлар қаламга олинса, достон бўлгуликдир. Тарбият гуруҳи аъзолари байрам арафасида ишга туширилаётган янги иншоотларни бо-риб қўришди. Олимларнинг мушоҳада-

лари, шоиру адиблар фалсафаси, актёрлар дил рози мамлакатимизнинг тугуни ва ёрқин келажаги тўғрисида кечгани боис давралар файли бўлиб, қўйлар қўшиқларга уланаётган. Учрашувлардан бирида меҳмонлар хатирчиликлар тўйга тақлим этишди. Келин-куёв – Гаҳарой ва

Байрам шукҳу

Хуршидҷонларга аталган самимий табрикларнинг чеки бўлмади. Султонпоша Удаева ва Мақсад Юнусова томонидан жонли ижро этилган қўшиқлар, Азиз Саид, Уктам Мирзаев ва Ислом Ҳамронинг шеърлари, Хошим Арслонов, Сайфиддин Менглиев ҳамда Асатилла Бабиевларнинг қишқилари ёшу кексага бирдек манзур бўлди. Даврада янграган қўшқик ва оқишлар Ўзбекистон атлмий улуг элнинг осийишга кечаётган ҳар бир кунни тўйларга уланаётганидан далолат эди!

Баҳриддин САДРИДДИНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Навоий вилояти

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият маърифий алоқалар ҳамиятлари кенгаши раиси, академик С.Фулмон, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президенти Имом Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Тошкент ислом дини ва маданияти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган шаҳарлардан ҳисобланади. Нуфузли халқаро ташкилот – Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси –

ISESCO (АЙСЕКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган ҳам ана шундай юксак эътирофининг тасдиғидир.

Қадимий ва навоирон шаҳар тарихини ўрганиш қўлмиллатли халқимизни, айниқса, улғайиб бораётган ёш авлодни меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, жонажон юртимизга муҳаббат, халқимиз тарихи ва аъналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда пойтахтимизнинг тарихи, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, дунё мамлакатлари ҳамда шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида етакчи олимлар, мутахассислар маъруза қилдилар. Шунингдек,

мамлакатимизда ишлаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари, чет давлатларнинг республикамизда фаолият юритаётган элчихоналари вакиллари Ўзбекистон, жумладан, Тошкент шаҳри яқин ўтмишда юз берган қийинчилик вақтлари улари ўз бағрига олгани, бошпана бериб, меҳрибонлик кўрсатгани ҳақида гапирдилар.

Тадбир давомида Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунги кунги акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ихросида Ватанини, дўстлик ва бағрикенгликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Ғўзал САТТОВА, Ўза муҳбири.

Ангана

Қовун сайли

Бухорода "Она замин соҳовати" деб номланган анъанавий "Қовун сайли" тадбири бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган 150 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари иштирокчилар эътиборига 1000 тоннадан ортиқ қовун, 700 тоннадан ортиқ тарвуз ва бошқа ширин-шакар полиз маҳсулотларини тортиқ этишди. Савадо растанлардан пиёз, помидор каби सबзаот маҳсулотлари ҳам жўй олди.

Қовунларнинг ҳўшўйлиги ва ширинлиги билан ном чиқарган Бухоро туманидаги Қулиштўрум қишлоғидан сайлда қатнашган "Раҳматобод" фермер ҳўжалигида етиштирилган Қаллабури навли қовунларнинг таъми кўпчиликка манзур бўлиб, гўждувонлик кекса ва тажрибали полизор Раҳмат Болтаевнинг элик турдан ортиқ қовунлари эса ўзининг ранг-баранглиги билан сай қатнашчиларига зўр қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тадбирда Бухоро қовунчилигини ривожлантириш, қадимда мавжуд бўлган ноёб қовун турларини излаб топиш ҳамда улари қўлайитириш, маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос келадиган янги қовун навларини яратиш борасида полизорлар ва мутахассислар ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир сўнгида қолиблар ҳам аниқланди. Унга қўра Вобкент тумани полизорлари биринчи, Шофиркон ва Бухоро тумани вакиллари иккинчи ўрин насиб этди. Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон Юдузи" ҳамда Жондор туманидаги "Элмурод Дўстмурод Шаҳриёр" фермер ҳўжаликлари эса "Энг яхши полизор" йўналиши бўйича қолиб деб топиладилар. Қолиб полизорларга тадбир ташкилотларининг кимматбаҳо соғалари топирилади.

Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Бухоро вилояти

# ҲАР КУННИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Яқиндоғина ерга чигит қадаб, текис қўчат олиш илнжиди эдик. Дўппи бир айланб-айланмай эса ҳосил тақдирини ҳал этадиган паллада турибмиз. 25 гектар майдонга ғўзанинг "Султон" новини экканмиз. Ерга уруғ тушгандан буён мутахассислар бераётган тавсияларга изчил амал қилиб, ғўзани парваришляганмиз.

Қатор ораларига ишлов бериш, айниқса, тупроқнинг ҳамиси майин бўлишини таъминлашга қаратилган агротехник тадбирлар ғўза ривожини бир маромда бўлишини таъминляпти. Ҳозиргача қатор ораларига 11 марта культиватор кирди. 3 бора намин кетказиш мақсадида чизел қилинди. 3 марта ўғит берилди. Буларнинг барчаси тупроқда ҳаво алмашинувини янада яхшилаб, ғўза илдизларини чўқур кетишига хизмат қилдики, беқарор об-ҳаво шароитда ҳам кўзлангандан зиёда ҳосил туғунчалари яратишга имкон бермоқда.

Кўни кеча ишчи гуруҳи аъзолари ҳўжалигимиз далаларида бўлишиб, ҳозиргача амалга оширган ишларимиз

натижаларини таҳлил этишди. Август ойида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ижроси бўйича йўл-йўриқлар беришди. Ҳақиқатан ҳам деҳқон учун бу ой синов даври бўлади. 6 ойлик меҳнат якуни тақдирини айни август ойида ҳал бўлади. Ҳозиргача яратилган кўсақларни тўла сақлаб қолиш, шонани гулга, гулни эса кўсақка айлантириш орқали баракали ҳосилга замин яратилади. Аксинча, яратган кўсақга маҳлиё бўлиб қолган деҳқон эса кузага бориб қанд эмас, панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки устозлар айтмоқчи, бугунгача далада яратган нарсамиз бамиқсоли бир пақир сув. Ўша бир пақир сув айни шу кунларда торози

босадиган ҳосилга айланади. Бунда чекананинг ахамияти беқўёс эканлигини эътиборга олиб, ушбу тадбирни 25 июлда якунлаб бўлганмиз.

Механизаторимиз Усмонжон Мамажонов, сувчиларимиз Ортиғали Хидиров, Баҳромжон Исоқовлар билан бир пиёла чой устида 10 сентябргача амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан маслаҳатлашиб олдик. Шу мuddатда қатор ораларига 3 бор ишлов берамиз. Ғўзанинг талабига қараб фақат шарбат оқизиш орқали сув очамиз. Ҳозиргача экинимизга икки марта сув берган эканмиз, жамғариб қўйган ўғитимиздан унумли фойдаландик.

Эрта баҳордан буён даламизга зараркундаларни йўлатмадик. Уларга қарши кураш ишлари фойдали ҳашаротлар орқали амалга ошириляпти. Ғўзанинг бугунги ҳолатига маҳлиё бўлиб қолмасдан фойдали ҳашаротларни далаларга қўйиш 2-3 кунда амалга ошириляпти. Кези



келганда ҳўжалигимизнинг барча аъзолари қузатувчилик ишида фаол иштирок этмоқда.

Ҳар сувдан сўнг ғўза тули остида пайдо бўлаётган бегона ўтларни олиб ташлашни йўлга қўйганмиз. Бу иш билан аслида иккита тадбирни бажаряпмиз. Ғўзамиз бўйига ҳам, энига ҳам кенгайди. Демакки, ғўза қатор ораларида димкиш бор. Бегона ўтларни тозалаш асносида ғўза қатор ораларига ҳаво кирди. Бу билан эса ҳаво 1-бўгинда яра-

тилган олди кўсақларнинг чиришини олдини олади. Шунингдек, навбат-навбат ғўзани "варақлаш" ҳам ўтказилаётир.

Ўтган йили 47 центнердан пахта ҳосили яратишга эришганмиз. Бу йилги ниятимиз ушбу кўрсаткични 50 центнердан оширишдир.

**Аъзамжон ДЕҲҚОНОВ,**  
**Шахрихон тумани**  
**"Тўлқин галлакор замини"**  
**фермер ҳўжалиги раҳбари.**

Андижон вилояти

## Интизомли солиқ тўловчи — юртга сидқидил хизмат қилувчи

Аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқларда мулкдорлар синфи шаклланди. Мавжуд иқтисодийлардан самарали фойдаланган қишлоқ мулкдорлари ўз ҳўжаликлари ва қорхоналарининг пойдеворини мустаҳкамлаб олишга, маҳсулот сифати ва саноатини оширишга эришдилар.

Шунинг баробарида қишлоқ мулкдорлари юрт иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётир. Биргина солиқ соҳасини олиб кўрайлик. Улар ягона ер солиғи ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма тўловларини ўз вақтида тўлаб келишмоқда. Бундай мулкдорларнинг сифи қундан кунга кўпайиб бераётгани эса қувонарли ҳолдир.

Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 658 нафар фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 547 таси ягона ер солиғи тўловчиси бўлиб, 999,1 миллион сўм миқдорига ягона ер солиғи ҳисобланган.

2009 йил давомиди тумандаги 110 та фермер ҳўжалигига ягона ер солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 367-моддасига мувофиқ 56,3 миллион сўмлик имтиёз берилган.

"Аҳоробобо" фермер ҳўжалиги раҳбари Муҳиддин Жамиллов тумандаги энг интизомли солиқ тўловчи мулкдорлардан бири ҳисобланади. Ўтган деҳқончилик йилида фермер ҳўжалигининг жами даромади 71,2 миллион сўмни, соф фойдаси эса 20,8 миллион сўмни ташкил этган. Ҳўжалик солиқ тўловчиларга тегишли амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқ идораларига жами бўлиб 11 миллион сўм миқдорига солиқ тўлаган.

Шундай илқ фикрларни тумандаги "Донолик" хусусий гишт ишлаб чиқариш қорхонаси мисолида ҳам айтиб ўтиш ўринли. 13 киши меҳнат қилаётган ва йилига 1 миллион донага яқин гишт ишлаб чиқараётган қорхона раҳбари Шавкат Тоиров ҳам ўз вақтида солиқ тўловларини амалга оширадиган мулкдорлардан.

Солиқ тўловчилар билан мутахассисларимиз доимий ҳамкорлик қилшмоқда. Улар учун белгиланган мuddатларда семинар мулоқотлар ташкил этилиб, солиқ тўловчилар учун яратиб берилган имтиёзлар, солиқ тўлаш тартиблари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Албатта, солиқлар мамлакатимизнинг иқтисодий таянчи ҳисобланар экан, мулкдорлар ҳам унинг моҳиятини тўғри англаб, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қилишяётгани мақтовга аризулик. Зеро, тўловнинг ўз вақтида уудалангани, қарздорликнинг эса бўлмагани маъқул.

**Обил ТўХТАЕВ,**  
**Ромитан тумани солиқ инспекцияси бошлиғи.**

Бухоро вилояти



## ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Пайкалнинг қоқ ўртасида кўсақ санаётган киши — Мирзачўл туманидаги "Тошкент" сувдан фойдаланувчилар уюшмасига қарашли "Жўлдос" фермер ҳўжалиги раҳбари Серғози Ниёзовдир.

### СЕРҒОЗИ АКАНИНГ СЕРҲОСИЛ ЕРИ

— Тайёри — "ўттиз" бўлибди, — дейди Серғози. Сўнг ўрик ғўрасидай, данак мағзидай ҳажмдаги кўсақларни санаб, телефони калькуляторига кунларни ҳисоблай бошляйди. — Бу кўсақчалар ҳам 30-35 кунда пишади, — дейди. — Демак, ҳозирги тайёр бўлган "ўттиз" устига яна "беш", "олти", "етти" ни қўшаверайлик. "ўттиз икки" қондицион бўларкан. Шуниси етади. Нави оқори, даромади мўмай, йиғиб-териш осон ва вақтида. Эндиги шона ва гул керак эмас. Октябрнинг охири ва ноябрга ўтиб кетади.

Механизатор йигит Абдусалом Жонзоқов, ишчилар Ўнгол Ниёзов, Шўхрат Пардаев ва бошқалар ҳам пайкал ичида. Улар ғўзани шамоллатишяпти, феромон тутқичларни қўришяпти, шу билан бирга, бир-бирига билдирмай, улар ҳам кўсақ санашяпти. "Ҳосилимиз дидни оладими, шартнома режамиздаги ҳосил борми?" деган пинҳоний ташвишда.

Ҳўжаликда барча бир тан-бир жон, 31,7 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шартномадаги 27 центнер ўрнига 31-32 центнерлик ҳирмонни чўшлашмоқчи. Шунинг учун ғўза парвариши асло сусайтирилмаяпти: барг тўқтириш ва йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик қўриляпти.

Келдир ЖўРАКУЛОВ олган сурат.

Жиззах вилояти



## Елкадошинг бўлганига нима етсин!

Сирдарё вилояти "Қишлоқҳўжалиқкимё" ҲАЖ тизимидаги қорхоналар белгиланган график асосида туманлардаги фермерлар дала-сига минерал ўғитлар етказиб бериш ва тегишли агрокимёвий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Тизимнинг аниқ ишлаши, ўғитнинг агротехник мuddатларда далага етказиб бериляётгани яхши самара берди.

— Ўғитларни дала бошига етказиб бериш учун ўзимизда техника, транспорт воситалари мавжуд, — дейди вилоят "Қишлоқҳўжалиқкимё" ҲАЖ раиси Холйигит Райимбердиев. — Ишни шундай ташкил қилдикки, юк ортилган транспорт воситалари эрталаб барвақт фермер даласига етиб боради ва тайинланган вақилар назоратида далага ишлатилади.

— Минерал ўғитларни етказиб беришдан ташқари агрокимёвий хизматлар ҳам кўрсатамиз, — дейди "Қишлоқҳўжалиқкимё" агрохизматлар бўлими бошлиғи Назирқул Арипов. — Бу хизматлар суспензия сегиш, зараркундаларга қарши курашиш, дефолиация қилишдан иборатдир. Фаллани баргидан озиклантириш майсанинг бақувват бўлиб ўсишига ёрдам беради. Мисол учун, бу йил барча галла майдонларига бир марта тўлиқ, 53 фоизига, иккинчи марта суспензия сегилиб, майсалар баргидан озиклантирилди. Бунинг учун ихтиёримиздаги 250 та ОВХларни унумли ишлатди. Галла зараркундаларига, айниқса, зангга қарши курашда кўрсатган хизматларимиз ҳам беиз кетмади. Вилоят фермерлари галла сотиш бўйича шартномавий режаларни оши-

риб бажардилар. Пахтакорларга ҳам хизмат кўрсатмоқдамиз. Барча ғўза майдонлари 3 марта тўлиқ 51 фоизига 4 марта суспензия сегилиб, ғўза баргидан озиклантирилди. Натижа жуда яхши бўлди. Фермерлар ғўзани баргидан озиклантириш самарасини тақрирбада кўриб хурсанд бўлишляпти. Галдаги вазиғамиз дефолиацияни вақтида белгиланган меъёрларда ўтказиш. Бунинг учун барча чора-тадбирларни кўриб қўйганмиз.

— Кўп йиллардан бери деҳқончилик қилман. 80 гектар ерим бор, — дейди Ҳовос тумани "Янгиер" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси худудидаги "Еш авлод" фермер ҳўжалиги раҳбари Полвонкул Шўдонқулов. — Биз — фермерлар "Қишлоқҳўжалиқкимё" шохбачаларининг кўрсатаётган хизматидан бениҳоя хурсандимиз.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ

Сирдарё вилояти

Ер деҳқонини, деҳқон эса элни боқади, — дейишади. "Элни боқётган"лар сафиди бугун мингбулоқлик ёш фермер Шўхрат Отахонов ҳам бор. Қўғалиқ қишлоқнинг сарҳосил дало-ларинида ризқ-рўзимиз бўлган ноз-неъматлар битади. Қишлоқнинг каттаю кичиги дала юмушлари билан банд. Шўхратбекнинг даласида ҳам иш "қайнайди": ғўзалар 4-мартга обихоётга қондирилмоқда. Тўйиб-тўйиб сув симираётган экинни қузатишнинг завқи бўлоқчо: ям-яшил, тетикланган ғўзаларнинг барги қўёш нурида ялтирайдн, ҳар туғидаги 8-10 тадан бўлиқ кўсақлар бугун-эрта "табассум"га шойлашиб турибди. Шу аснода экинлар ҳозирги деҳқонга таъмин қилаётгандек адир шобда-сида оҳиста тебранади...

## ЁШ ФЕРМЕРНИНГ ОРЗУЛАРИ

Ғўзалар авжидан Шўхратбекнинг кўнгли тўқ. Бироқ... юрагининг аллақаврида озгина гашлик бор. Ахир, деҳқонлар тилида "Жўжани кузда санаймиз", "Галвир сувдан қатарилганда" сингари мағзи тўқ гаплар юради-да. Кузда ер чизиб қолмаслик учун ёзда, ҳосил тақдирини ҳал бўлаётган паллада қаттиқ ишлаш керак. Бу масъулиятни у ҳўжалиқнинг 27 нафар ишчисидан ҳам талаб қилади.

Фермер ҳўжалиқларида қарашли ер майдонларини оптималлаштириш туфайли "Отахон ўғли Солиқон" фермер ҳўжалиғи тасарруфидидаги ер майдони 78,6 гектарга етди. Ҳўжалик раҳбари ёш бўлишига қарамай ҳаракатчан, изланувчан. Буни зиммасидаги шартномавий режаларни ёруғ юз билан уудалаб келаётгани ҳам кўрсатиб турибди. 31,6 гектар ердаги галлазордан режа 112 фоизга бажарилди. Ҳўжалиқдаги ишларни янада яхшироқ йўлга қўйиш, ишчиларнинг узогини яқин қилиш мақсадида энгил автомашина сотиб олишди.

Айни пайтда ҳўжалик ихтиёридида "МТЗ-80" культиватор, "ТТЗ-80" чизел мослама, "ТТЗ-80" трактор ва 2 та прицеп, "ОСП" юк ташувчи техника "деҳқон қаноти" вазифасини

### РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА:

Юртимиздаги мавжуд бир юз икки миңдан зиёд фермер ҳўжалиқининг умумий ер майдони салкам 6 миллион гектарни ташкил этади. Мазкур ҳўжалиқларда 1,7 миллион киши иш билан банд.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ ҳўжалиғи учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Ҳаққаро истиқослаштиришга кўрғазма-садовосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қўра ҳар йили анъавий тарзда "Узэкспонмаказ"да фермер ҳўжалиқлари, агрофирмалар ва қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик қорхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг мунтазам ишлайдиган кўрғазма-садовоси ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг баҳорига ўтказилган ана шундай кўрғазмада иштирок этган 4 миң нафардан кўпроқ мулкдор 46,5 миллиард сўмлик тўққиз юзтадан ортиқ шартнома имзолади.

Ўзбекистон фермер ҳўжалиқлари уюшмаси тизимидаги хизмат кўрсатувчи марказлар мулк соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 8 миң нафардан кўпроқ фермерга 250,3 миллион сўмлик консалтинг, 468 фермер ҳўжалиғига 6,3 миллион сўмлик юридик хизматлар кўрсатди.

тақозо этади. Бу бўйича ҳам СФУ раҳбарлари ва мутасаддилар ўзларини ўйлантириб келаётган саволларга жавоб олдилар.

— Миришкор магистраль каналининг узунлиги 119 километрни ташкил этади, — дейди ИТБ бошлиғи Нормурод Ҳазратов. — 319 километр ҳўжалиқлараро канал, 237 та сув тақсимлайдиган иншоот, 92 та электр насоси мавжуд. 47 та СФУ билан шартнома асосида иш олиб борамиз. 1555 та фермер ҳўжалиғига қарашли қишлоқ ҳўжалиғи экинларини обихоётга қондирамиз.

Кўрғазмали семинарда фермер ҳўжалиқлари билан олди-берди дафтарини юриштишда аниқлиқни таъминлаш, сувни қўллатирмаслик ва зовурга тушишига йўл қўймастик, экин майдонларини суғоришда маълумотларнинг таҳлилий бўлишига эришиш, сувчи ва миришкорнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берилди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**  
**"Qishloq hayoti" муҳбири.**

Қашқадарё вилояти

# ТОМЧИСИ ИЛЛОГА ТЕНГ

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли иншоотларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни беҳуда исроф қилмаслик соҳасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тизимдаги Миришкор ИТБда белгиланган тадбирлар ва унинг ижроси эътиборга моликдир.

— "Жейнов канали" ва "Чашмаи мироб" СФУ мироблари иштирокида кўрғазмали семинар ўтқоздик, — дейди Миришкор ИТБ бошлиғи Нормурод Ҳазратов. — Иштирокчилор Миришкор каналининг 130 километрида бўлиб, асосий эътиборни фермер ҳўжалиқлари билан тузилган ўзаро шартнома бандларига биноан иш юриштишга қаратдилар.

— Худудимизда 43 та фермер ҳўжалиғи мавжуд, 3600 гектар майдонга оби ҳаёт берамиз. Шунинг 920 гектари пахта, 904 гектари дон, қолгани тўтзор, бедазор, сабзавот, полиз майдонларидан иборат, — дейди "Жейнов канали" СФУ раиси Хамроқул Сафаров. — Ғўза парваришида обихоётнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиляпти. 160 дан ортиқ сувчи туну кун қатор ораларига сувни белгиланган меъёрда тармоқда.

— 15 йилдан буён сувчиман, — дейди "Сафаров Ҳотам" фермер ҳўжалиғи илгор сувчиси Холмурод Ҳайитов. — Сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаймиз. Ҳар тўрт гектар майдонда биттадан шарбатхона мавжуд. Тунда ишлаш учун фонар билан таъминланганмиз.



ИТБга қарашли "Чашмаи мироб" СФУсида ҳам сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ишлари намунали ташкил этилган. 67та фермер билан шартнома асосида иш олиб бориляпти. Мавжуд 3,5 миң гектар майдоннинг 1,5 миң гекта-

металларни эритиш ва деталларни қўйиш хизмати фаолият кўрсатяпти. Бу катта ва кичик сув иншоотларидаги обихоётни очиб ва ёпишда тўпланиб қолган токарлик ҳамда фрезерлик хизматидан оқилона фойдаланишни

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда инсон соғлиги, она-бола ва ёшлар саломатлиги масаласи давлат сийсати даражасига кўтарилди.

1993 йилда Президентимиз Фармони асосида "Соғлом авлод учун" нодавлат халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. "Соғлом авлод учун" 1- ва 2-даражали ордени тасвир этилди. Бу мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ордени ҳисобланади.

1996 йилда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Президентимизнинг 1998 йилдаги Фармони асосида "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш" Давлат дастури тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15

# Фарзандлари соғлом юртин

февралдаги қарори билан "Соғлом авлод", 2001 йил 5 февралдаги қарори билан "Она ва бола" Давлат дастурлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз пойтахти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган "Она ва бола скрининг" марказлари бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилади, соғлом болалар туғилиши учун хизмат қилмоқда.

Камқонлик касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган "Унни фортификациялаш, яъни темир, рух, витаминлар билан бойитиш" Давлат дастури амалга оширилиши туялайи Ўзбекистон жаҳоннинг 191 та мамлакатига орасида "Унни фортификация" қилаётган 48 та давлатлар қаторига кирди. "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги Қонунга биноан мамлакатимизда ош тузи йодлаштирилган ҳолда истеъмолга чиқарилмоқда.

"Соғлом зурриёд - соғлом фар-

занд - соғлом авлод" концепциясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганини эътиборга оладиган бўлсак, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида бир йил давомида бажарилган ишлар кўлами нечоғли улкан эканини тасаввур қилиш мумкин. Истиклол йилларида юртимизда аҳоли соғлиғи сифат кўрсаткичла-



Тиббий хизмат

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида одамлар соғлигини муҳофаза қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга ошириш белгиланган. "Саломатлик-2", шошилиқ тиббий ёрдам бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, йил давомида 46 та ҚВП, 87 та қишлоқ шифохона-си тиббий ва лаборатория анжомлари билан, 2315 та ҚВП эса тўлиқ жиҳозланади.

Шунингдек, йил дастурида тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар белгилангани, уларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги яна бир улкан босқич бўлади.

**Баҳодир АМИНОВ,**  
тиббий фанлари доктори,  
профессор.



# СПОРТ

## Иванчук Гран-при FIDE голиби

Якшанба кuni Арманистоннинг Джермук шаҳрида бир неча кун давом этган шахмат бўйича Гран-при турнирининг 5-босқичи якунига етди. Сўнгги 13-турда арменистонлик Владимир Ақоянни қора доналарда уйнаб енган Василий Иванчук (Украина) турнир голиби бўлди.

Маълумки, ушбу турнирда Ўзбекистон вакили Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этди. Ватандошимиз 11-турдан сўнг энг юқори натижага эришган уч етакчи шахматчи қаторида бораётган эди. Аммо 12-турда Борис Гельфанд (Исроил) имкониятни бой берган Қосимжонов сўнгги тур олдида турнирда голиб чиқиш имконини деярли йўққа чиқарди. 13-турда эса Павел Ульянов (Украина) билан кенган партиядо дурангга имзо чекди. Турнир жадвалининг якуний натижалари: Василий Иванчук 8,5 очко; Аронян, Гельфанд - 8; Лeko, Қосимжонов, Алексеев - 7,5; Карякин - 7; Эльянов - 6,5; Бахро, Камский - 6; Ақоян, Яковенко - 5; Инаркиев - 4,5; Чепаринов - 4.

## Қаршида "Челленжер" халқаро турнири якунига етди

Қарши марказий кортида соврин жамғармаси 35 минг АҚШ долларини ташкил қилган АТР сериясидаги "Челленжер" халқаро турнири якунига етди.

Унда Россия, АҚШ, Австралия, Австрия, Канада, Испания, Жанубий Корея, Япония каби 20 дан ортиқ давлатлардан ташриф бурурган кучли теннисчилар иштирок этди. Мировасиз кенган баҳслар якунига кўра финалда украиналик теннисчи Иван Сергеевич 6:3, 1:6, 7:6 (3) ҳисобида енган австралиялик Райнер Зитзингер турнир голиби бўлди.

Жуфтлик баҳсларида эса австралиялик ва ҳиндистонлик теннисчилар - Садик Кадир, Пурав Раджа дуетига тенг келадигани топилмади. Финалда улар Андриис Жуска ва Денис Павловедан иборат латвиялик теннисчилар жуфтлигини 6:3, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

## Чемпионат якунланди

Қарши шаҳридаги "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли аёллар ва болалар соғломлаштириш марказида эркаклар ҳамда аёллар жамоалари ўртасида пляж футболу бўйича учинчи Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Бир ҳафта давом этган мусобакаларда жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб бордилар. Якуний натижаларга кўра учинчи ўрин учун кечган баҳсда "Қарши юлдузлари" жамоаси "Халоскор" жамоасини 7:3 ҳисобида енгди ва учинчи ўрин "Қарши юлдузлари" жамоасига насиб этди. Финалда эса "Когон" ва "Орзу" футболчилари юзма-юз келдилар. Кескин курашлар остида ўтган ўйинда "Когон" жамоаси футболчилари рақиблар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаб, олтин медал соҳибига айландилар. Аёллар жамоалари ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли ўтди. Дастлабки учрашувда "Севинг" (Қарши) - "СДЮШОР-5" (Самарқанд)ни 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. "Шердор" (Самарқанд) - "Жиззах" жамоалари ўйини 5:3 ҳисобида нияҳасига етди. "Олимпия" (Қарши) - "СДЮШОР-5" (Самарқанд)дан 7:3 ҳисобида устун келди. "Умид" (Қарши) ҳамда "Жиззах" футболчилари ўйини 8:3 ҳисобида тугади.

Навбатдаги турда "Севинг" яна ўз муқдслиларини ҳушуд этди. Улар "Олимпия" футболчиларини 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. "Шердор" жамоалари ўрашди. Унда 3:2 ҳисобида "Севинг" жамоаси футболчилари голиб бўлиди. Совринли учинчи ўрин учун кечган ўйинда "Олимпия" - "Умид" жамоасидан 3:7 ҳисобида енгилди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАЪБИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» НАМАНГАН ШАХАР МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Очиқ акциядорлик тижорат банк "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган шаҳар минтақавий филиали биносини капитал таъмирлаш. Буортмачининг бошланғич нархи қўшимча қиймат солиғисиз - 235 487 257 сўм, қўшимча қиймат солиғи билан 282 584 708 сўм. Қурилиш ишларини якунлаш муддати - 5 ой. Қурилиш ишлари: ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган шаҳар минтақавий филиали маблаглари ҳисобидан молиялаштирилди. Савдо ташкилотчиси: «Меликоконсалтинг» масъулияти чекланган жамияти.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларини беришга банк қафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўшаи иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - "Меликоконсалтинг" масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, А.Мажидий кўчаси 15-уй, 315-хона. Тел: 241-14-99.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпلام қиймати - 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм. Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охириги муддати - офёрталар очилиш кuni ва саотига.

Таклифлар (офёрталар) очилиши митбулда эълон қилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Наманган шаҳри Ахси кўчаси 2-уйда ўтказилади.

Ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикаларини харид қилиш бўйича "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2009 йил 4 августдаги 92 (7553)-сонида босилган тендер савдосини ташкил этиш тўғрисидаги эълонга қуйидаги қўшимча киритилади:

Наименование ветеринарных препаратов и лабораторных диагностикумов	Единая измерение	Приемлимая сумма (сўм)
Вакцина против бешенство	доза	900
Вакцина УЗНИИВ жидкая инактивированная против бешенство животных	литр	111000

ООО "PLASTPOL TRADE" (код по ОКПО 22644488, ИНН 301045440), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хоиминта Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар, 19-11-39, ликвидировано (протокол собрания № 4 от 21 августа 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: +99893-542-88-33.

ЧП "VIRKOMFORT" (ИНН 206936977) Чиланзарского р-на г.Ташкента сообщает всем заинтересованным лицам и организациям об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "VIRKOMFORT" с переходом всех прав и обязательств ЧП "VIRKOMFORT" к ООО "VIRKOMFORT". Утерянные фирменные бланки ЧП "SANAR" с подложно руковоителя и круглой печатью предприятия, считать недействительным. Утерянные документы ДХО "PSU-TIS". Устав, учредительный договор и свидетельство, выданный Яхсарайским хоиминотом г.Ташкента, считать недействительным.

Das Auto Организация реализует JETTA PASSAT В наличии на складе Товар сертифицирован Т.:(+998 90) 317 67 97, 320 50 00, (+998 71) 140 00 61

ООО "АНТИКОР" (ИНН 200796491), расположенное по адресу: г.Ташкент Чиланзарский р-н Чиланзар-9 ул.С.Юсупова 49, зарегистрированное хоиминотом Чиланзарского р-на г.Ташкента за № 825 от 29.05.2002 г. приняло решение о добровольной ликвидации (протокол общего собрания акционеров № 2 от 20.08.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по выше указанному адресу.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ! РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ GAZ GROUP AVTODOM PLUS "ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда! "ГАЗ-3221" русумли 13 ўриндикли микроавтобус "ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина Мавзил: 100015, Тошкент ш. Шаҳрсабз кўчаси 16'-уй, Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94. Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21. E-mail: info@auto.uz Web-site: www.auto.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 236-54-44, 233-28-04, Котибнат - 233-95-17, Факс - 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси - 585-16-12; Андрико - 224-99-13; Буюро - 542-05-18; Жиззах - 366-61-16; Наманган - 224-81-69; Фарғона - 223-35-98; Самарқанд - 222-29-97; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 750-82-39; Қашқадарё - 221-59-40.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Савдаман САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Боний АЛИХОҶОНОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Заъвуддин ОБИДОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Алғай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўлқибой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктам БАҲРОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманайя ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сулнат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шероод ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади. Буортма Г-717, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, ҳозог бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.00 10310 нускада босилди. Нашр индекси - 144. Газета тахриратининг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5